# Эҳромда жоиз нарсалар | Фиқҳ дарслари (358-дарс)




19:00 / 18 декабрь 161

??? ????????????????? ??????????????????
???????? ???? ????????. ??????? ???????????? ???
????????. ?????????? ????????????? ????? ??????
???? ????? ???????? ???? ?????? ????????? ????
?????? ??????????? ???? ????????.

**Ҳаммомга тушиш, уй ёки соябон ила сояланиш ҳамда белига ҳамён боғлашдан сақланиш вожиб эмас.**

**Қачон намоз ўқиса, баландликка кўтарилса, водийга тушса, уловлиларга йўлиқса ва саҳар чоғига кирса, талбияни кўпайтиради.**

«Мухтасари Виқоя»нинг ушбу матнида эҳромдаги киши қилиши мумкин бўлган ишлардан учтасигина зикр қилинган:

**1. Ҳаммомга тушиш.**

Демак, эҳромдаги киши иссиқ сувда чўмилиши ёки ҳаммомга тушиши мумкин экан.

???? ?????? ????? ???? ????????? ???? ???????:
????? ?????? ????? ???? ????????????
????????????? ???? ?????????? ??????????
??????????????? ??????? ?????? ????? ????
????????: ???????? ??????????? ????????? ???????
???????????: ??? ???????? ????????? ????????????
????? ???????? ????? ????? ????????
???????????????? ?????????? ?????????? ??????
??????????? ?????? ?????????? ????????? ?????:
??????????? ????????? ???????: ???? ??????
??????: ????? ?????? ????? ???? ?????????
??????????? ???????? ?????? ????? ???? ?????????

?????????? ?????? ????? ??????? ????? ??????
????? ???????? ????????? ???????? ????????
?????? ????????? ?????: ???????? ????? ????????
?????? ????? ?????????? ???????????? ??????
????? ??? ???????? – ????? ????? ???????????
??????? ???????? – ???????? ??????? ?????
????????? ????? ??????? ????? ??????? ????????
??????????? ?????????? ??????? ??????????? ?????
?????: ??????? ???????? ??????? ????? ??????
????? ???????? ????????? ????????. ???????
????????????. ????? ?????????????: ????? ?????
????????: ???????? ??????????? ???????????.

*Абдуллоҳ ибн Ҳунайн отасидан ривоят қилади:*

**«Абдуллоҳ ибн Аббос билан Мисвар ибн Махрама Абвоъда ихтилоф қилиб қолишди. Абдуллоҳ ибн Аббос:**

**«Эҳромдаги киши бошини ювса бўлади», деди. Мисвар:**

**«Бўлмайди», деди.**

**Ибн Аббос уни Абу Айюб Ансорийнинг олдига юборди. У икки шохнинг орасида кийим билан тўсиниб олиб ғусл қилаётган экан. Мен унга салом бердим. У:**

**«Бу ким?» деди.**

**«Мен Абдуллоҳ ибн Ҳунайнман. Ҳузурингизга Абдуллоҳ ибн Аббос сиздан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эҳромдалик чоғларида бошларини қандай қилиб ювишлари ҳақида сўрашим учун юборди», дедим.**

**Абу Айюб кийимга қўлини қўйиб, уни пасайтирди. Унинг боши кўринди. Сўнгра ўзига сув қуйиб турган одамга: «Қуй», деди. У унинг бошидан сув қуйди. Кейин Абу Айюб бошини икки қўли билан ишқалади. Икки қўлини олдинга, орқага олиб бориб келди ва:**

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мана шундай қилганларини кўрганман», деди».**

*Икки шайх ривоят қилишган.*

*Бухорийда:*

**«Ибн Аббос: «Эҳромдаги киши ҳаммомга кираверади», деди», дейилган.**

Аммо соч ва тукларни тушириб юбормасликка ҳаракат қилиб, оҳисталик билан ювиниш лозим. Беихтиёр ўзи тушса, зарари йўқ.

**2. Уй ёки соябон ила сояланиш.**

???? ??????? ???? ?????? ????? ?????? ?????
??????? ????? ??? ??????? ??????? ???? ???????
??????????: ????? ?????? ???????? ?????? ????????
?????????? ???????? ????????? ???? ???????

???????? ???? ??????????? ??????? ??????? ?????
?????? ????? ???????? ?????????? ????? ???????
???????? ?????? ??????? ??????? ??????
??????????? ??????????? ????? ??????? ????????
???????? ??? ???????????????? ????????? ???????
????? ?????? ????? ???????? ????????? ??????
????? ????????? ???????? ?????????? ????
???????? ???? ??????????? ???????? ?????. ???????
????????.

*Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳунинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Видолашув ҳажлари ҳақидаги узун ҳадисларида у зот Арафотда капанинг соясида бўлганлари ҳақида гап кетади:*

**«Сўнг бирпас туриб, қуёш чиққандан кейин ўзлари учун Намирага жун капани тикишга амр қилдилар. Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам юриб кетдилар. Қурайшликлар у зотнинг худди Қурайш жоҳилиятда қилганидек, Машъарул Ҳаромда вуқуф қилишларидан ҳеч шубҳа қилмас эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у ердан ўтиб кетдилар ва Арафотга етиб бордилар. Ул зот Намирада ўзлари учун капа қурилганини топдилар ва унга тушдилар».**

*Муслим ривоят қилган.*

???? ????? ???????????? ???????: ???????? ????
??????? ????? ?????? ????? ???????? ?????????
??????? ??????????? ???????????? ????? ?????
???????? ???????????? ??????????? ?????? ?????
???????????? ???????? ??????? ????????????
??????????? ??????? ???? ???????????? ??????????
??????? ???????? ????? ?????? ??????? ?????
?????? ????? ???????? ????????? ???? ?????????.
??????? ???????? ??????? ???????
???????????????.

*Умму Ҳусойн розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Видолашув ҳажида ҳаж қилдим. Ул зотни Ақаба жамрасига тош отаётганларида кўрдим. Уловларига минган ҳолларида қайтиб кетаётган эканлар. Ул зот билан бирга Билол ва Усома ҳам бор экан. Улардан бири у зотнинг уловларини етаклаб олган, иккинчиси кийимини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошларига** (соябон қилиб) **олган эди».**

*Муслим, Абу Довуд ва Насоий ривоят қилишган.*

**3. Белига ҳамён боғлаш.**

Оиша онамиздан бу ҳақда сўралганда: «Нафақангни белингга боғлаб ол», деганлар.

Эҳром кийимини ювиш ёки алмаштириш ҳам мумкин.

***«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди***

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.